ОХ, БОНКАЛАР БИЗНИ БАРБОД ЭТДИ

— Шундайми?

— Албатта йўк.

— Бас, нима бизни барбод этди?

— Нозоалла, хисобсизлик. Тўгри, акл ва тарбиясизлик бизни барбод этди. Айб бонкада йўк, бизда. Чунки бошка миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зохиран бонкалар сабаби ила барбод ва факир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз кўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва бехисоблигимиз хамда нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва ахли замонадан бехабарлигимиздан, хулоса, жахолат ва нодонлигимиздандур.

Бонка сабаби ила яхудий, армани ва бошкалар давлатлик бўлур. Биз бўлса, болакс давлатимиздан, мулк ва обрўйимиздан айрилармиз. Чунончи, кўлдаги бор нимарсамизни тўй ва азога, бехуда одатларга сарф этармиз. Кўрпамизга караб оёк узатмаймиз. Карз ила иморат, тўй, фиск ва бойлик килармиз. Исроф килармиз. Охири «Хаср ад-дунё ва-л охира»[1] бўлурмиз. Бу сабаб ила факирлик даражасинда тушуб, сўнгра бонкадан Додхохлик килармиз. Бир карра диккат килинсун, бир яхудий, бир ўрус, бир армани хеч вакт тўй деган балога беш минг сўм, хатто, бир-икки минг сўм сарф килгани эшитилмайдур. Биз бўлса, йигирма минг сўмлаб сарф этармиз. Кошки бу пул ўзимизники бўлса эдики, ялгуз исроф гунохи ила кутулардук. Йўк, балки биз хак-ул-абд[2]дан кўркатургон мусулмонлар бошкалар окчасини барбод этиб, охиратга карзи дунёга кулфат ортдурармиз. Мундан номаъкул харакот, албатта, шаръан ва аклан гунохи азимдур, девоналикдур.

Хўканддан жаноб М. Д. Р. М. афанди ёзадурларки, бонкадан фойдалик окча олмок дурустми? Ва биз, мусулмонлар нима учун бонкадан пул олиб синармиз? Аввалги савол учун жавоб берармизки, шаръан бонкадан пул карз олмок тўгрисинда мўътабар «Шўро» мажалласинда тафсили илан кўб ёзилди. Хохласангиз «Шўро»дан ўкуб огох бўларсиз ва ул сиз учун хозиржавобдур. 2-саволга кискалик ила шуни ёзармиз: масалан, Абдуллабой баззозни ўзидан беш минг сўм сармояси бор. Дўконидан 500 сўмлик молни олти ой ваъда ила нася сотди. Албатта, бу сотилган молга аклан 50 сўм фойда кўюб эдики, юз-да ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол оз эди, яна мол олмок учун окча йўк. Кантурдан нася олса, аввалда накдага нисбатан 7—8 хисса киммат килиб берур, Масалан, 400 сўмлик молни олти ойга 470 сўм, балки зиёда килиб берар хамда яхши молга ямонни кўшар, агарда Абдуллабой баззоз бонкага сотган моли учун олган векселини кўйса, олти ойга бонка 500 сўм накд бериб, факат 15 ё 20 сўмгина фойда сахлайдурки, бизни баззозимиз ушбу пулга 4—5 кантурдан чеккасига чертиб, сийлаб молни арзон нархга олур. Ана бонка хикмати ва кераклиги шундан иборатдур ва хам шундай ўлчав ила муомала килинса, хар ким бонкадан фойда кўрар. Йўк, бонка уни учун эмаски, бир

пулсиз дўкон ўлтуруб ва бонка пулини нася килиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва шароратга, кўбкари ва азога сарф килиб ё бонкадан карз олиб, хаж бориб, дунёга баобрў ва охиратга карз юклаб кетмок учун эмасдур.

Мухтарам М. Д. Р. М. афанди! Мундан бошка яна синмокимизга сабаб тарийки тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошка галла тўгрисинда Амрико, Африко ва Оврупо бозор ва зироатларини холидан, бўлган ва бўлмаганидан бехабарлигимиздур. Бизни тожирлар аксарият ила хеч жойдан бехабар «таваккал» деб иш киладурларки, ташаббуссиз таваккал ила иш килмокни шаръан манхийлигидан бехабарлигимиз боисдур. Энг охирги сабаб синмокимизга шулки, тижорат майдонинда нодонлигимиздан бошкалар тарафидан алданармиз. Хулоса, бизлар коммерсант, яъни тожири замоний эмас, балки бизларга дехконлик лозим. Аммо маатаассуф унга хам илми басират ва хисоб лозимки, бизга шу илми замоний йўк, бинобарин келаримиз нихоят коронгудур. Мулкларимиз аксари кўлдан кетар ва кора мехнаткаш бўлуб колурмиз. Аллох басират берсун. Шайх Саъдий деюр: «... мадохили ўн саккиз ва махорижи йигирмалик киши холига йигламок керак. Кундуз чирог ёккан аблахнинг окшом коронгуда ўлтурганини якинда кўрарсан».

«Ойна» журнали, 1914 йил, 19-сон, 342—344-бетлар.

[1] Дунё ва охиратни барбод этиш.

[2] Киши хаки.